

Мартон ШЁБЕРЛЬ: ТДТ – кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун самарали майдон



Туркий давлатлар ташқи сиёсий тадқиқотлар марказлари йиғилишида сўзга чиққан Венгрия Ташқи ишлар ва савдо институти директори Мартон Шёберль шундай деди:

– Йиғилиш туркий давлатлардаги етакчи таҳлилий марказлари мутахассислари билан самарали мулоқот олиб бориш ва келгуси ҳамкорлик механизмини ишлаб чиқиш учун қулай имконият яратди. Бу ерда олинган маълумотлар ҳаммамиз учун жуда муҳим.

Сўнги йилларда Ўзбекистон кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзига хос мулоқот майдонига айланди. Тошкентнинг ўзаро ҳурматга асосланган муносабатларни ўрнатишга нисбатан очиқ ёндашуви ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун асос бўлмоқда.

Айни дам Будапешт ТДТга кўп қиррали шерикликни мустаҳкамлаш учун самарали восита сифатида қарамоқда.

Манба